

ТУРАКУЛОВ Э.

**Педагогик технологиялар ва махорат
(Магистрлар учун)**

Самарканд - 2006

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган ва амалга ошириб келмоқда. Республикамиздаги амалга оширилаётган қайта қуришдан асосий мақсад ва унинг ҳаракатлантиравчи кучи инсон, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлиги ҳисобланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шартлари кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» узлуксиз таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган.

«Миллий дастурни» амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнини ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларининг ҳамма шакли ва турларида илғор-методик таълимларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирги замонавий босқичда педагогик долзарб вазифаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари илмий таъминлаш киради. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизимини орқали ҳар томонлама ривожланган шахс — фуқаронинг ташкил топишни кўзда тутди. У ушбу таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истемолчиси, буюртмачиси сифатида ва худди шундай ишлаб чиқарувчи сифатида иштирок этади.

Шахс таълим жараёнининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизматлар соҳаси фаолиятида билиш ва тажрибаларни беришда иштирок этади. Республикамизда шахсга ўзининг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун профессионал таълим дастурини танлаш ҳуқуқини берган.

Узлуксиз таълим тизимида олий таълим алоҳида ўрин егаллайди. Олий ривожланиши доира шаклида, яъни йиғинлар, иштиёқлар шаклидаги жамиятнинг босқичли ривожланишидир.

3. Психогенетик ёндашув на биология ва на муҳит аҳамиятини инкор етмайди, балки психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи ўринга қўяди. Бу ёндашувда психодинамик, когнитив ва персонологик назариялар амал қилади.

Психодинамик йўналиш (Е.Ериксон). Бунда шахс хулки эмоция, иштиёқ ва бошқа психиканинг рационал бўлмаган компонентлари орқали тушунтирилади.

Когнитив назария вакиллари (Ж.Пиаже, Д.Келли ва бошқалар) шахс психикасининг интеллектуал - билиш доираси хусусиятларига суянадилар.

Персонологик йўналиш вакиллари еса шахс ривожланишига яхлит ҳолда қарайдилар (Е.Шпрингер, А.Маслау ва б.). Бу борада Б.Г.Ананев, К.А.Абулханова, А.Н.Леонтев, А.В.Петровский, В.В.Мясишев, К.К.Платонов, Д.Н.Узнадзе, Д.И.Фелдштейн ишлари еттиборлидир.

Б.Г.Ананев шахсга 4 томон бирлиги нуктаи назардан қарайди: 1) *инсонга биологик тур сифатида*; 2) *индивид сифатида онтогенез ва инсоннинг ҳаёт ё4и*; 3) *инсонга шахс сифатида*; 4) *инсонга инсониятнинг бир қисми сифатида*

К.А.Абулханова шахсни ҳаёт йўли субъекти ва фаолият субъекти сифатида тасаввур қилади. Унинг ривожланиши асосида *фаоллик* (ташаббус, маъсулият), *ташкилий вақтга нисбатан қобилият*, *ижтимоий тафаккур* каби сифатлар ётишини таъкидлайди.

А.Н.Леонтев ва А.В.Петровскийлар бу ёндашувга биноан ҳар қандай психик ҳодисаларни тушунтиришда, шахс *ички шароитларнинг бир бутун тизими* сифатида гавдаланади, деб ҳисоблайдилар. Бинобарин, унинг воситасида барча ташқи таъсирлар акс этади ва бу еса шахсда умумийлик ҳамда турғунликнинг ҳар хил компонентлари ўлчовларини фарқлаш имконини яратади.

В.В. Мясищев шахс ядросини инсоннинг атроф - муҳитни онгида акс еттириш орқали шаклланадиган ташқи олам ва ўзига бўлган муносабатлар тизими деб тушунади.

К.К. Платонов фикрича эса, шахснинг динамик функционал тузилмаси *йўналганлик, тажриба, психикжараёнлар ва унинг биопсихологик хусусиятларидан* иборатдир.

Д.Н. Узнадзе шахсни мотивлари ва хулқи анланмас характердаги *бир бутун ва манавий тузилма*, тушунилмаслиги мумкин бўлган хислат деб қарайди. Д.Н.Узнадзе мақсадга мувофиқ фаоллиги жараёнида шахс психикасининг шаклланиши ва ривожланишини ёритиб берувчи умумпсихологик концепсияси сифатида кўрсатиш назариясига асос солган.

Д.И.Фелдштейн фикрига кўра, онтогенезда шахс ижтимоий етукликнинг турт босқичларини босиб ўтиш жараёнида ривожланади. Унинг шаклланишида ижтимоий аҳамият касб етган фаолият бош омил бўлиб ҳисобланади.

Демак, шахс фаол ва онгли мавжудот сифатида белгиланади. У фақат ижтимоий муносабатлар объекти емас, балки субъекти ҳамдир. Шахс ишлаб чиқариш ва моддий манфаатларни қабул қилиш жараёнида шаклланади.

Олий таълим тизимига қуйидагилар киради:

. мулкчилик шакллари ва бўйсинишидан қатий назар давлат таълим стандартланга мувофиқ касбий таълим дастурини амалга оширувчи олий таълим муассасалари;

- олий таълимнинг ривожланишига хизмат қиладиган тадқиқот ишларини олиб боровчи илмий педагогик муассасалар;*

- олий таълимнинг бошқарув органлари ва унинг тасарруфидаги корхона муассаса ва ташкилотлар.*

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланган-

- таълим ва тарбиянинг инсонийлик, халқчиллик характери;*
- университет таълимнинг устуворлиги;*
- ўрта махсус, касб-ҳунар, олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ҳамда узийлиги;*

- та ʼлимнинг дунёвий характери;
- давлат таʼлим стандартлари негизида таʼлимнинг ҳаммабоплиги;
- ўқув дастурларининг ягоналиги ва уларни танлашга дифференциал ёндашиш;
- қобилият ва истеъдод эгаларини рағбатлантириш;
- олий таʼлим тизимида давлат ва жамият бошқаруви бирлиги;
- олий таʼлим ҳамда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси.

Олий таʼлим икки босқичга эга - бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таʼлим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таʼлим.

Магистратура - аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таʼлим.

Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юр்தларининг қуйидаги турлари белгиланади:

- **университет.** У билим соҳалари ва йўналишларининг кенг тармоқлари бўйича олий ва олий ўқув юр்தидан кейинги таʼлим дастурини амалга оширади;
- **академия.** У билим ва йўналишларнинг муайян соҳаси бўйича олий ва олий ўқув юр்தидан кейинги таʼлим дастурини амалга оширади;
- **институт.** У бир билим соҳаси миқёсида муайян йўналиш олий, шунингдек, олий ўқув юр்தидан кейинги таʼлим дастурини амалга оширади.

Хотима.

Ўзбекистон Республикасидаги олий мактабнинг ҳозирги даврдаги тараққиётги давлат ислохотлари билан амалга оширилади. Олий мактаб ислохотлари еса "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" билан белгиланади. Бу дастурга мувофиқ равишда республикадаги олий таʼлимнинг янги мақсади, вазифалари ва тамойиллари аниқланган,

Олий таʼлим тизими тузилмаси ҳам ўзгаришга юз тутди, унда икки босқич жорий этилди: бакалаврият ва магистратура.

1.2. Олий мактаб таʼлим мазмуни

1.2.1. Таʼлим мазмунини шакллантиришнинг моҳияти ва назарияси

Олий мактаб таʼлим жараёни ўзининг мазмуни билан бўлажак мутахассис шахсини шакллантиришга қаратилган вазифани амалга оширади. Унга илмий ёндашувлар эса таʼлим мазмунини билимлар, малака ва кўникмалар, қарашлар ҳамда эътиқодлар, шунингдек, билиш назарияси кучи, амалий тайёргарликлар ривожланишининг муайян даражаси тизимининг йиғиндиси сифатида изоҳлайди.

Таʼлим мазмунининг моҳияти унга бўлган турли ёндашувлар билан белгиланади.

Билимга йўналтирилган ёндашувда билим инсониятнинг бутун тарихий

тажрибаларида тўпланган бой маънавий мулк сифатида диққат марказда бўлади. Бироқ бу ёндашувнинг маълум салбий жиҳатлари ҳам бор. Билим бунда мутлақ даражага ега бўлади. Шу сабабли шахс жиловланади ва иккинчи даражага ўтиб қолади. Бу еса академизмга берилишнинг илмий асосини қоидалаштиришга олиб келади.

Ҳозирги даврда **таълимни инсонпарварлаштириш ва таълим мазмуни-нинг моҳиятини шахсга йўналтирилган ёндашувни** майдонга олиб чиқди. Бу ёндашув марказида шахс туради. Бундай ёндашув таълим мазмунини еркин танлаш имкониятини беради. Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш жараёнида шахснинг таълимий, маънавий, маданий ва ҳаётий талаблари қондирилади. Энг муҳими, шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабати намоён бўлади, маданий-таълимий шароитда ўқиш индивидуаллиги ва мустақил ҳаракат қила олиш имконияти шаклланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув инсоннинг табиий, ижтимоий ва маданий хусусиятлари бирлиги ривожланишига қаратилган бўлади. Бундай ёндашув намоёндалари И.Я. Ламер, М.Н. Скаткин, В.С. Леднев, Б.М. Бим-Бада, А.В. Петровскийлардир.

Таълим мазмуни **тарихий характер** ҳам касб этади.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни муайян мақсад ва вазифаларга эга бўлади. Таълим мазмуни давр талаби, назарий билим ва ишлаб чиқариш тараққиёти

даражасига мос равишда ўзгариб туради.

Таълим мазмуни ижтимоий ҳодиса сифатида майдонга келади ва у ўзининг бошланғич даврида амалий аҳамият касб этган, яъни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган билимга нисбатан талабини қондирган.

Ижтимоий тараққиёт таълимнинг **маданиятшунослик ранкциясини** юзага келтирди.

Таълимнинг ривожланишига бошқа ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатди, натижада ҳукмрон синфлар умуммаданий ва такомиллашиб боровчи билимга ўз монополиясини ўрната бошладилар, аҳолининг асосий қатламлари эса кундалик турмушда зарур бўладиган амалий билимларнигина эгалладилар.

XVIII-XIX асрлар уйғониш даврида **инсонпарварлик** ғояси қарор топди. В. де Фелтре "Мактаб қувончи" асарида эркин жисмоний ва ақлий ривожланиш ҳақида ёзган еди. Ж.Ж. Руссо бола ривожланишида унинг табиатидаги спонтан ҳолатларини кузатиш лозимлигини уқтиради И.И. Песталосси инсонни фаол ҳаётга тортиш орқали шакллантирадиган барча аҳамиятга молик кучларни тўла ривожлантириш ғоясини олға суради. Ушбу ғоя таъсирида Франция, Швейцарияда янги мактаблар, АҚШ, Германия, Австрияда сара (элита) мактаблар пайдо бўлади. Уларда шахснинг таълим ва тарбияси табиий эркин ривожланиш, бола ва катталар орасидаги табиий муносабатлар билан боғланади.

Таълим мазмунининг асосий назариялари XVIII аср охири ва XIX аср бошларида пайдо бўлди. Педагогика фани таълим мазмунининг **материал ва формал назариясини** белгилаб берди. Таълим мазмунининг материал назарияси айрим манбаларда **дидактик материализм** ёки **қомусийлик** (энциклопедия деб юритилди).